ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИРИК СУҒОРИШ КАНАЛЛАРИ, НАСОС СТАНЦИЯЛАРИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ВА ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИНИНГ ЯНАДА КУЧАЙИШИ
(1951-1990 йй.)

О.К.Комилов

Мақолада XX асрнинг 50-80-йилларида Ўзбекистонда марказнинг пахтачиликни янада ривожлантиришга доир олиб борган чора-тадбирлари, ана шу мақсадларда йирик суғориш каналлари ва насос станцияларининг барпо этилиши оқибатида республикада пахта яккаҳокимлиги сиёсатининг кучайиб борганлиги архив манбалари ва тарихшунослик материаллари асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *ирригация, суғориш канали, насос станцияси, дюкер, коллектор, дренаж, совет ҳукумати, марказ, пахта яккаҳокимлиги.*

В статье на основе архивных источников и историографического материала проанализирована политика центра по дальнейшему укреплению монокультуры хлопка в Узбекистане, что подтверждается в предпринимаемых мерах по строительству крупных оросительных каналов и насосных станций в республике в 50-80-е годы XX века.

Ключевые слова: *ирригация, оросительный канал, насосная станция, дюкер, коллектор, дренаж, советское правительство, центр, хлопковая монокультура.*

On the basis of historical and archival documents and materials of historiography of the in 50s-80s of the XXth century the article analyzes the policy of the central government of the Soviet regime on the further strengthening monocultural clap in Uzbekistan which resulted in constructing a great amount of large irrigation canals and pumping stations in the region.

Key words: *irrigation, irrigation canal, pumping station, siphon, collector, drainage, Soviet government, centre, cotton monopoly.*

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти мустамлакачилик мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда фақат бир томонлама ривожлантирилди. Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: "Пахта яккаҳокимлиги республика иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, Иттифоқнинг хом ашё базасига айланиб қолишига олиб келди [1.303]".

Пахтачиликни тараққий эттириш суғориш билан узвий боғлиқ бўлиб, шу мақсадда, XX асрнинг 50-йилларидан республикада кўплаб йирик каналлар ва насос станциялари барпо этилиб, сув чиқмайдиган пахта майдонлари суғорилди. Марказнинг кучайиб бораётган пахта яккаҳокимлиги сиёсатига республикадаги суғориш иншоотлари тўла бўйсундирилди. 1952 йил 12 июлда СССР Пахтачилик вазирлиги "Сталин номли Катта Фарғона канали техникасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида" буйруқ чиқарди [2.39]. Унда каналнинг техник ҳолатини яхшилаш ва Фарғона водийсида суғоришни ривожлантириш учун унинг сув ресурсларидан кенг фойдаланиш, ЎзССР Сув хўжалиги вазири ва Катта Фарғона канали эксплуатация бошқармаси бошлиғига уч ой муддат ичида маҳаллий ташкилотлар билан биргаликда бошқарма штатларини комплекслаштириш, бошқарма ва гидротехник участкаларни юқори малакали ишчи-ходимлар билан таъминлаш, 1953 йилда канални Куйганёр тўғонидан Асака дюкеригача* тозалаш вазифалари юклатилди.

ЎзССР Министрлар Совети 1954 йил 21 августда "Боёвут магистрал каналидан Тошкент вилояти Ховос районида машина билан суғоришни ривожлантириш тўғрисида" қарор қабул қилди [3.212]. Унда районнинг бўш ерларини Боёвут канали яқинида жойлашган Фарҳод ГЭСидан электр энергия билан таъминланувчи насос станциясини қуриш таклифи маъқулланди. Шунингдек, район колхозларининг суғориладиган ер майдони 8,4 минг га ҳажмида белгиланди, шу жумладан, биринчи босқичда 3,6 минг гектар ерни суғориш учун сувни 8,5 метр баландликка кўтариш (шундан 1954 йилда 2,0 минг га майдонни вақтинчалик насос станцияси ёрдамида суғориш; иккинчи босқичда 3,8 минг га суғориш учун сувни 23,5 метрга кўтариш; учинчи босқичда Урсатьевск станцияси теварагидаги 1,0 минг гектар майдонни суғориш учун сувни 51 метр баландликка кўтариш) мажбурияти юклатилди. Қарор моҳиятан сув чиқмайдиган ер майдонларида ҳам пахта етиштириш, ўзбек халқи миллий бойликларини марказга ташиб кетиш ва талаш сиёсатига хизмат қиларди.

Пахтачиликни ривожлантириш ва марказни пахта хом ашёси билан таъминлаш учун кўплаб йирик суғориш каналлари қуришга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, ЎзССР Министрлар Совети 1954 йил 30 октябрда "Эски Ангор канали қурилиши чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорни қабул қилди [4.77]. Унда Сув хўжалиги вазирлиги ва "Узбекгидрострой" трестига қурилиш ишларини кучайтириш, Эски Ангор каналидан сув ўтказишни 1955 йилнинг 1 майига қадар якунлаш ҳамда Қашқадарё дарёсигача секундига 15 кубометр ҳажмида сув сарфлаш вазифалари топширилди.

ЎзССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП МК 1955 йил 18 июнда қабул қилган "Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги органларининг ишини яхшилаш тўғрисида"ги қарорида республикадаги мавжуд каналлар фаолияти хусусида қуйидагича фикрлар баён қилинган: "Кўп каналларда сув тақсимлайдиган инженерлик узеллари йўқ. Колхозлардаги 17000 сув қулоқларидан фақат 5000 таси сув ўлчайдиган регуляторлар билан ускуналанган, колхоз доирасидаги суғориш шохобчалари ва зовурлар бундай асбоблар билан мутлақо ускуналанмаган" [5.127].

ЎзССР Министрлар Совети шу йил августида "Боёвут канали (колхоз сектори)ни доимий фойдаланишга қабул қилиш ва уни ишга тушириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Колхоз секторидаги 9287 га янги ерларни суғориш учун Боёвут каналини доимий фойдаланишга қабул қилиш бўйича 1954 йил 15 ноябрдаги комиссия актини тасдиқлаб, Сув хўжалиги вазирлиги зиммасига 1954 йил 15 ноябрдаги Боёвут каналини доимий фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги комиссия актига асосан 722 минг сўм ҳажмдаги қурилиш бош сметасига мувофиқ равишда 1955-1956 йилларда ишларнинг бажарилмай қолганларини якунлашга қарор қилди [6.170].

Бу даврда кўплаб сув иншоотлари капитал таъмирдан чиқарилиб, сув захиралари билан таъминланди. Хусусан, Майлисой сув тизими (участка бошлиғи Кирюшин) жамоаси кўплаб ирригация иншоотларини капитал таъмирдан чиқарди. Сув "Қўйқулок" суғориш каналидан оқа бошлади. Бу канал Пахтаобод ва Избоскан туманлари колхозларининг, шунингдек, 8-пахтачилик совхозининг далаларини сув билан таъминлади [7.3].

Мустабид совет ҳукумати пахта етиштириш учун қулай иқлим ва шароитга эга Фарғона водийсига алоҳида эътибор қаратди. 1955-1959 йилларда Фарғона водийсида 10 минг гектар ерга сув берадиган 9 та насос станцияси қурилди, бу суғоришда катта насослардан фойдаланиш бўйича илк тажриба эди [8.75]. Республикада коллектор-дренаж тармоғининг узунлиги 37 минг км га етди. Сувнинг фильтрланиб нобуд бўлишини ка-

майтириш мақсадида етти йил (1959-1965) мобайнида кам сувли туманларда 545 км каналга бетон қопланди [9]. 1956-58 йилларда “Главголодностепстрой” ташкилоти қатор тадбирларни амалга оширди. С.М.Киров магистрал канали реконструкция қилинди, Боёвут ерларини суғориш ишлари давом эттирилди, Жанубий Мирзачўл канали қурилиши бошланди (биринчи навбатдаги сув сарфи секундига 129 кубометр – лойиҳа бўйича тўлиқ сув сарфи 300 кубометр), машина ёрдамида суғоришга (“Фарҳод” совхози) ва Жанубий Мирзачўлнинг канал бўйидаги ерларининг биринчи навбати ўзлаштиришга тайёрланди [10.183].

1957 йилда Наманган вилояти Янгиқўрғон районида қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳосил олишни янада кўпайтириш мақсадида Шимолий Фарғона каналига собиқ “Пахталиққўл” совхозидаги 325 га ерларни суғориш учун секундига 300 л сув харажатли икки ўтказгичли “Пахталиққўл” насос станцияси барпо этилди [11.2]. Бу тадбирлар заминида ҳам, асосан, марказни пахта хом ашёси билан мунтазам таъминлаш мақсади ётар эди.

1958 йил 17 январда Андижон вилоят ижроия комитети “Тешиктош гидроузели қурилиши тўғрисида” ги қарорни қабул қилди [12.53]. Унга кўра, 1958 йилнинг 1 январь ҳолатига гидроузел қурилиши ишлари қониқарли олиб борилмагани, смета қиймати 12,8 миллион сўмни ташкил қилгани ҳолда иш бошланган даврдан буён 6,1 миллион сўм ҳажмида (47,6 %) бажарилгани қайд этилди.1960 йилнинг охирида Жанубий Мирзачўл каналининг биринчи навбати ишга туширилди, унда 232 км ёпиқ тақсимлаш тармоғи, 185 км новли суғориш тармоғи, 115 км ёпиқ коллектор ва қувур қурилди [13.66]. Бу иншоотларнинг барпо этилиши пахтачилик ривожига жиддий таъсир кўрсатди.

1962 йил 6 июлда Ўзбекистон КП МКнинг бюроси “Аму-Қоракўл машина канали қурилишини комплекс равишда тугаллаш тўғрисида”ги масалани кўриб чиқди. Унда канал қурилишини муддатидан илгари тугаллаш вазифасининг долзарблиги таъкидланди [13.52].

Эътироф жоизки, Ўзбекистондаги биринчи йирик насос станциялари – Олот ва Қоракўл-Зарафшон суғориш тизими орқа қисмида 40 минг га суғориш учун 1962-1963 йилларда Аму-Қоракўл машина каналида барпо этилди [14.252].

ЎзКП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг 1964 йил 30 ноябрдаги “Аму-Бухоро машина канали қурилишини тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ шу йилнинг 15 декабрида Автомобиль транспорти ва шоссе йўллари вазирлиги буйруқ чиқарди [15.122]. Унга кўра, 685-сонли қарорда кўриб чиқилган объектлар бўйича қурилиш ишларини тугатиш, 1964 йилнинг 25 декабригача Қуйимозор сув омборидан секундига 30 кубометр ҳажмида (шўрни кетказиш учун) сув бериш, ундан 20 кубометри насос ёрдамида, 10 кубометри оқизиб суғориш орқали амалга оширилишини таъминлаш вазифаси белгиланди.

1960-1980 йилларда ирригациянинг ривожланиши баъзи туманларда насослар ўрнатиш билан боғлиқ бўлган. Насослар тизимини жорий қилиш даврида электр энергияси унинг иқтисодий қийматидан анчагина пастроқ баҳоланди [16].1963 йилда Фарғона вилоятининг 201 минг га майдони Катта Фарғона каналидан суғорилди, шундан 61,2 минг гектари Марказий Фарғона ерларини суғоришни ташкил қилди [17.145]. 1965 йилда республика суғориш тизимида 2090 та С-245 маркали насослардан фойдаланилди [18.80]. Бу давр ирригация тизимида энг кўп насослардан фойдаланиш Самарқанд (400 та) ва Бухоро (391 та) вилоятларига тўғри келди.

1966 йил 5 июлда Қишлоқ қурилиши вазирлиги “Марказий Фарғона канали қурилиши тўғрисида”-ги буйруқ чиқарди[19.1]. Унда “Узгипроводхоз” институтига Марказий Фарғона канали объектлари бўйича йиллик ишчи чизмаларни топшириш, “Узглавводстрой”га қурилиш ташкилотлари, буюртмачилар билан график бўйича келишилган муддатда тўлиқ равишда қурилиш-монтаж ишларига маблағ ажратиш, 1966 йил учун 18,2 млн сўм, бунинг 8,7 млн сўмини 1 сентябргача ўтказиш вазифаси белгиланди.

1966 йилнинг 16 сентябрда ЎзКП МК ва ЎзССР Министрлар Совети “Марказий Фарғона каналини қуриш тўғрисида” қарор қабул қилди [20]. Қарорда водийнинг марказий қисмини сув билан барқарор таъминлаш мақсади кўзда тутилди. Фарғона водийси магистрал каналларининг кўрсаткичлари, яъни Катта Фарғона магистрал канали - 215,08 км., Катта Андижон магистрал канали - 111,9 км., Жанубий Фарғона магистрал канали – 188,71 км. ни ташкил қилди [21].

1966 йил 26 декабрда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг “Кўкорол совхозида Тошкент каналининг иккинчи навбати бўйича суғоришни ривожлантириш объекти бўйича янги суғориладиган ерларни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида” қўшма буйруғи чиқарилди [22.23]. Унга кўра, иккала вазирликнинг 1966 йил 29 июндаги қўшма буйруғига қўшимча равишда ҳамда шу йил 29 июндаги давлат комиссияси актига мувофиқ Тошкент вилояти Бўка райони “Кўкорол” совхозининг 1363 га янги суғориладиган ерлари фойдаланишга киритилди. Натижа туманда пахтадан ҳосил олиш янада ортди, бошқа экин майдонлари ҳажми эса пахта

экин майдонлари ҳисобига қисқариб борди. Мазкур ҳолат деҳқонларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари масаласида марказга қарамлигини кучайтириб юборди.

ЎзКП МК ва ЎзССР Министлар Советининг 1970 йил 17 февралдаги “Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати қурилиши тўғрисида”ги [23.167] қарорида Аму-Қоракўл канали ва Аму-Бухоро канали биринчи навбатининг қурилиши учун Амударё ва кичик Зарафшон воҳасидан сувларнинг олиб ўтилиши таъкидланди.

1971 йилда Фарғона водийсида машиналар ёрдамида суғориш (сувни кўтариш) йўли билан 69,7 минг гектардан зиёдроқ майдонга сув чиқариб берилди [24.60]. Тўққизинчи беш йиллик бошларида насос станциялари умумий сони 176 тага, агрегатлар сони эса 1400 тага етди. Насос станцияларининг иш унумдорлиги жами 1042,7 м³/сек га, машина билан суғориладиган ерлар майдони 265 минг гектарга етди. 1971 йилда насос станциялари умумий сони 277 тага, 1975 йилда эса 546 тага етди [25.29]. Суғоришда насос станцияларидан фойдаланиш пахтачилик соҳасини янада ривожлантирди. Бироқ уларнинг барпо этилиши пахта яккаҳокимлигини аввалги даврларга қараганда анча кучайтириб юборди.

Ўнинчи беш йилликда (1975-1980) Фарғона вилоятининг Киров, Бағдод, Тошлоқ ва бошқа районларида секундига жами 152 кубометр сув чиқарадиган 40 дан зиёд насос станциялари, минераллашган сувларни чиқариш телемеханизациялаштирилган 1062 та вертикал дренаж ишлади. Суғориш манбаларидан сув чиқариш 1971 йилдаги 641,9 млн кубометрдан 1980 йилда 1405,1 млн кубометрга кўпайтирилди [26.57].

1975-1978 йилларда Андижон каналидан сув олувчи машина-насос канали ишга туширилдики, бу Бўз туманида сув муаммосини ҳал қилишга бир қадар имкон яратди [27.6]. Бироқ туманда бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш кескин қисқарди.

1977 йилда Ўзбекистондаги 3 млн. га суғориладиган ерлардан 1 млн. гектарга яқини насос станциялари ёрдамида суғорилди. Республика қишлоқ хўжалигида насосларнинг умумий сони 30 мингга кўпайди. 1977 йилда насосларда 3 млрд м³ сув етказилди, электр энергиядан фойдаланиш эса соатига 3 млрд квт дан ошди [14.249]. Сув хўжалиги корхоналарида насос ёрдамида сув ўтказиш 1980 йилга нисбатан 5,3 млрд метр куб ёки тахминан 1,32 марта кўпайди. Бу даврда насос билан сув ҳайдаш таннархи 0,4 тийин арзонлашди [28].

“Наманган-1” насос станцияси – секундига 40 кубометр сувни 80 метр юқорига кўтариб берадиган йирик иншоотни барпо этиш учун 4 млн сўм маблағ сарфланди [29.113]. 1981 хўжалик йилида Наманган вилоятидаги “Самарқанд” узумчилик совхозига область ижроия комитетининг шу йил 14 июлидаги қарори асосида 630 л сув берилган, бу умумий экинларни сув билан таъминлашнинг 65 % ини ташкил этди. Бундан ташқари, “Кукумбой” насос станцияси жуда кўп бузилиб, бу ердаги ишларга салбий таъсир кўрсатиши натижасида 100 гектар пахта, 90 гектар макка, 10 гектар қизилча, 16 гектар боғ қуриб, унга сарфланган харажатлар қопланмади [30.61].

Сурхондарё вилоятида насослар ёрдамида суғориш қувватини ошириш учун 1983-1985 йилларда “Чершали”, “Боботоғ”, “Дозора”, “Айбарак”, “Малик” насос станциялари қурилиб ишга туширилди. Биргина “Боботоғ” насос станциясининг ишга туширилиши натижасида қўшимча 1 минг гектар янги ерни ўзлаштиришга эришилди [31]. Алоҳида таъкидлаш муҳимки, мазкур ўзлаштирилган ҳудудларнинг аксарият қисмини пахта экин майдонлари эгаллади. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтилган советларнинг пахта яккаҳокимлиги амалиёти билан узвий боғлиқ эди.

1990 йилга келиб суғориладиган ернинг учдан бир қисми ёки уч гектардан бир гектарида насослар орқали суғориш амалга оширилди. Уларнинг сони икки мингтадан ошди ва ҳар йили қарийб 50 км³ сувни етказиб берди; бунга 2,5 баравар сув магистрал каналлар орқали юқорига кўтариб оқизилди. Хусусан, бир ярим миллиондан ортиқ ер ёки суғориладиган майдонларнинг 30 % и насослар билан суғорилди [32.48].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда XX асрнинг 50-80-йилларида кўплаб каналлар ва насос станцияларининг барпо этилиши, совет ҳукуматининг пахта яккаҳокимлиги сиёсати асосида амалга оширилди. Совет даврида барпо этилган бу йирик суғориш иншоотлари пахтачилик соҳасини янада ривожлантиришга, ҳосилдорликни орттиришга туртки бериши билан бирга республикада пахта яккаҳокимлигини аввалги даврларга нисбатан янада кучайтирди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.-Т.: Ўзбекистон, 2011.-439 б.
2. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), 602-фонд, 1-рўйхат, 56-йиғма жилд.

3. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 5619-йиғма жилд.
4. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 5599-йиғма жилд.
5. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 1022-фонд, 2-рўйхат, 182-йиғма жилд.
6. ЎзР МДА, Р.837-фонд, 38-рўйхат, 6116-йиғма жилд.
7. Никифоров И. Ирригаторы готовятся к поливам // Сталинское знамя. 4 апреля 1956 г.
8. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи. (Очерклар). Биринчи китоб. Бош муҳаррир: М.Ғ.Ваҳобов.-Т.: Ўзбекистон, 1969. - 470 б.
9. Ирригация и мелиорация – путь к высоким и устойчивым урожаями // Правда Востока.- 1966.- 22 июня.
10. Эгамбердиев Р., Раззоқов А. Ўзбекистонда қўриқ ерларни суғориш, ўзлаштириш ва мелиорациялаш тарихи (Мирзачўл мисолида).-Т.: Фан, 1984. -285 б.
11. АВДА, 608-фонд, 1-рўйхат, 1632-йиғма жилд.
12. АВДА, 619-фонд, 1-рўйхат, 101-йиғма жилд.
13. Очилов Н. Ўзбекистонда ирригация-мелиорация ишлари (1946-1964).-Т.: Фан, 1991.-104 б.
14. Ирригация Узбекистана. Т. IV. Технический прогресс в ирригации.-Т.: Фан, 1981.- 447 с.
15. ЎзР МДА, Р.2770-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд.
16. http://www.world/bank.org /eco/ environment/ Ирригация в Центральной Азии
17. ФВДА, 1151-фонд, 1-рўйхат, 78-йиғма жилд.
18. ЎзР МДА, Р.2676-фонд, 1-рўйхат, 1010-йиғма жилд.
19. ЎзР МДА, Р.2700-фонд, 1-рўйхат, 18-йиғма жилд.
20. Правда Востока.- 1966.- 16 сентября.
21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги идоравий архиви материалларидан.
22. ЎзР МДА, Р.2483-фонд, 1-рўйхат, 2157-йиғма жилд.
23. ЎзР МДА, Р.2700-фонд, 1-рўйхат, 742-йиғма жилд.
24. Ғофуров А. Ирригация ва мелиорацияни ривожлантиришнинг иқтисодий проблемалари.-Т.: Ўзбекистон, 1974.-126 б.
25. Минводхоз УзССР в девятой пятилетке.-Т., 1976.-328 с.
26. Ғафуров А. Фарғона мелиораторларининг вазифалари/ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Т., 1981.-№10.-Б.55-57.
27. Ҳамзаев Т. Гавҳарлар оқади ариқларида // Istiqlol sadosi, 2001йил 2-16 январь.
28. Зоткин В. Қўшқанот / Совет Ўзбекистони.- 1986.- 10 январь.
29. Қосимов Й. Наманган воҳасининг суғорилиш тарихидан.-Т.: Фан, 1988.-121 б.
30.Наманган вилоят давлат архиви, 275-фонд, 1-рўйхат, 3620-йиғма жилд.
31.Луначарсий В. Совершенствовать машинное орошение // Сельская правда.- 1986.- 26 июня.
32.Сельское хозяйство Узбекистана // Т., 1992.-№10-11.-С.48-49.

Андижон давлат университети,
2015 йил 7 июлда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)